



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG‘I

20 21 yil “24” 08

№ 210

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамини муносиб кутиб олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-4926-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2021 йил 13 августда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 140-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, Тиббий ижтимоий хизматлар агентлиги, олий ўқув юртлари ректорлари, ўрта махсус ўқув юртларининг директорлари, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари директорлари, Республика тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасалари бош шифокорларига:

байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш кунлари аҳолига малакали тиббий-санитария ёрдам кўрсатиш, фавқулодда ҳолатларда тезкор тиббий ёрдамни ташкил этиш мақсадида бош муассаса ва ташкилотлар қошида туну-кун фаолият юритувчи штабларни ташкил этиш;

Даволаш-профилактика ва реабилитация муассасаларида 2021 йилнинг 25 август кунидан 2021 йил 5 сентябр кунига қадар штабларда масъул ходимларнинг куну-тун навбатчилигини таъминлаш;

байрам тадбирлари ташкил этиладиган майдонларга иштирокчиларга тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган дори-дармонлар, тиббий асбоб-анжомлар ҳамда малакали шифокорлардан иборат тез тиббий ёрдам бригадалари навбатчилигини ташкил этиш;

шошилишч тиббий ёрдам кўрсатадиган барча даволаш-профилактика муассасаларини 5 кундан кам бўлмаган муддатга мўлжалланган дори-дармонлар, қон ва қон ўрнини босувчи суюқликлар ва боғлов воситалари захирасини шакллантириш;

байрам кунлари республика, вилоят, шаҳар ва туман даволаш-профилактика муассасаларида захира ўринларини сақлаш; даволаш-профилактика муассасаларида ёнғинга қарши чора-тадбирларини кучайтириш;


барча тиббиёт муассасалари ҳудудига бегона автомашиналар киритилишига чеклов қўйиш ҳамда хизмат автомашиналари махсус текширувдан ўтказилгандан кейингина киритилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш;

ушбу буйруқ ижроси бўйича мунтазам кечки рейдлар ўтказиш вазифаси топширилсин.

2. Байрам тадбирларини ўтказиш даврида фавқулодда ҳодисалар юзага келган ҳолатлар бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий штабига топшириладиган ҳисобот шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.Иноятов зиммасига юклатилсин.

Вазир



А. Хаджибаев